

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.
ФерГУ» журналы бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҒОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН.(Германия)
БАХОДИРХОҒОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҒДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҒАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҒОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

**Фарғона,
2021.**

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Уринов, Ф.Маманазарова

Коэффициенти узилишга эга бўлган сингуляр коэффициентли тенглама учун чегаравий масала 6

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

М.Собиров, Ж.Аҳмадалиев, И.Усмонов

Хира муҳитлардаги иккиламчи қутбланган нурланишнинг қутбланиш характеристикаларида нейтрал нуқталарнинг ҳосил бўлиши 11

КИМЁ

И.Хикматуллаев, А.Матчанов, В.Хўжаев, С.Арипова

Physalis alkekengi ўсимлиги элемент таркибини исп-мс усули билан аниқлаш 16

Ж.Бекназаров, А.Ибрагимов, З.Болтаева, С.Маулянов

2,4-динитрофенил глицин ва 2,4-динитрофенил- α -аланиннинг Cu^{2+} билан металлкомплекслари синтези 22

Р.Казақов

8-синф кимё дарслигидаги мавзуларни ўзлаштиришда уй тажрибаларини такомиллаштиришнинг аҳамияти 26

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

М.Назаров, А.Мамажонов, М.Маматқулов, У.Усмонходжаев

Балиқ етиштиришнинг интенсив усули – ҳовуз балиқчилигининг юқори маҳсулдорлик омили..... 32

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Ғофуров, Т.Хайдаров, Г.Холматжонова

Иқтисодий ўсишнинг драйвери - инвестиция, инновация ва илм-фан технологиялари 38

Т.Хайдаров

Туман ҳудудларининг мажмуавий инновацион ривожлантириш муаммолари 43

И.Носиров

Ёшларнинг креатив ривожланиши – бу креатив бошқарувнинг юксалиш йўлидир 47

ТАРИХ

А.Маматқулов

XX аср 60-70 йиллари Самарқанд – Қарши иқтисодий райони: ишлаб чиқариш кучлари ва уларнинг жойлаштирилиши ҳақида баъзи мулоҳазалар..... 50

Д.Юсупова

Хондамирнинг «Нома-йи-нома» асари – Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистоннинг XV–XVI асрлар маданият тарихига оид муҳим манба 58

А.Сабиров

Оғзаки тарих ва архив ҳужжатлаштириш технологияси масаласига доир..... 63

Х.Олимжонов

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Фарғона вилоятида кутубхона иши тарихи 69

ТУМАН ХУДУДЛАРИНИНГ МАЖМУАВИЙ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ
МУАММОЛАРИПРОБЛЕМЫ КОМПЛЕКСНОГО ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ РАЙОННЫХ
ТЕРРИТОРИЙ

PROBLEMS OF INTEGRATED INNOVATIVE DEVELOPMENT OF DISTRICT TERRITORIES

Хайдаров Турдали Махсудалиевич¹¹Хайдаров Турдали Махсудалиевич

– иқтисод фанлари доктори, профессор.

Аннотация

Мақолада ҳудуднинг мажмуавий инновацион ривожлантиришда унинг жойлашуви, хўжалигини ихтисослашганлиги, тармоқларини хусусиятларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигини, чорвачиликни, саноатни комплекс ривожда ҳалқаро ва маҳаллий тажрибалардан самарали фойдаланиш, махсулот ҳажмини ва сифатини янада оширишни илмий таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье дается научный анализ комплексного инновационного развития региона, его местоположения, специализации экономики, эффективного использования международного и местного опыта в комплексном развитии сельского хозяйства, животноводства, промышленности, дальнейшем увеличении объемов и качества продукции.

Annotation

The article provides a scientific analysis of the region's integrated innovative development, its location, specialization of the economy, the effective use of international and local experience in the integrated development of agriculture, animal husbandry, industry, further increase the volume and quality of products.

Таянч сўз ва иборалар: инновация, ҳудуд, туман, ҳажми ва сифат, кичик бизнес, саноат, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, хорижий ва миллий тажрибалар.

Ключевые слова и выражения: инновации, регион, район, размер и качество, малый бизнес, промышленность, сельское хозяйство, животноводство, зарубежный и национальный опыт.

Key words and expressions: innovation, region, district, size and quality, small business, industry, agriculture, animal husbandry, foreign and national experiences.

Президентимиз Фарғона вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати ва олиб борилаётган кўп қиррали ислохотлар билан яқиндан танишар экан, қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилиш фермерларга ва деҳқон хўжалиқларига, хусусан, аҳолига фойда келтириши, шу боис қишлоқ хўжалигини замонавий ривожлантириш зарурлиги ҳақида сўзлади. Бунинг маъноси айнан шундаки, бу соҳага, яъни қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ жабҳага инновацияларни жорий этиш орқали рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш, мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан самарали мажмуавий фойдаланишни талаб этади. Давлатимиз раҳбари Наманган вилоятига сафари чоғи янги иш ўринлари яратиш, ёшларнинг замонавий технологияларга қизиқишини орттириш ва инновацион фаолиятга жалб қилиш мақсадида 2021 йил давомида ҳар бир вилоятда биттадан иқтисодий жадал ривожланиб бораётган туманни инновацион ҳудудга айлантириш вазифасини белгилаб берган эди.

Ушбу топшириқ, кўрсатмага биноан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Чуст, Дўстлик Кормана ва Марҳамат туманларида ҳудуд хусусиятларига мос инновацион ишланмалар, (тайёр ва ярим тайёр мосламалар) жорий этиш бўйича дастлабки саъй-ҳаракатлар бошланди.

Президентимизнинг Чирчиқ шаҳрини замонавий инновациялар ва инвестициялар шаҳрига айлантириш тўғрисидаги тавсияларидан келиб чиқиб, Чирчиқ намунаси асосида бошқа вилоят шаҳарлари ва туманларини ҳам комплекс ривожлантириш бўйича дастурлар намунасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси кўйилди. Айнан ана шу андозага мувофиқ Давлатимиз раҳбарининг Фарғона вилоятига ташрифи олдин ўрганишлар асосида инновацияларни ривожлантириш бўйича Фарғона вилоятида ҳам Бағдод, Тошлоқ, Қува, Бешариқ каби туманлар қаторида Учкўприк туманига эътибор қаратиш сезиларли даражада бўлган эди.

Мазкур мақоламизда инновацияларни жорий этаётган Фарғона вилояти туманлари орасидан Учкўприк туманини танқидий таҳлил

қилиш асосида туманнинг инновацион ривожлантириш учун ҳудуднинг жойлашганлиги, хусусияти, имконияти, аҳолисининг тез ўсиб бориши, меҳнатга лайоқатлилиги, билимли ва тадбиркорлиги, қишлоқ хўжалигининг натижадорлиги ва инновацион ишланмаларни амалиётга жорий этишга мойилликларини ҳисобга олиб таҳлил ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Учкўприк тумани вилоятнинг ўртача ривожланган туманларидан бўлиб, асосан, қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган. Шунингдек, сўнгги йилларда саноат ҳам ривожланмоқда.

Фарғона водийси марказининг қоқ ўртасида Жанубий томонидан Сўх дарёси орқали Қирғизистон Республикасининг Баткент вилояти билан чегараланган бўлиб, бу, туманда инновацияларни кенг жорий этиш ва ёйиш имкониятини беради.

Назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинганда муайян ҳудуднинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётга фойдали ишланмаларни жорий этиш, янги инновацион маҳсулот ва технология олиб киришда ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиш ва унинг “ўсиш нуқталарини” ҳисобга олиш ўта муҳим ҳисобланади. Учкўприк туманида ана шундай ўзига хос “ўсиш нуқтаси” мавжуд. Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик йўналишлари, кичик саноатлаштириш, зона ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, инсон капиталини тараққий эттириш учун ёшларни ва аёлларни илм-фан ва технологиялар билан қуроллантириш, касб-ҳунарга ўргатиш орқали ишсиз ёшлар ва аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни (экспорт ва импорт)ни янада тараққий эттиришда махсус иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарини янада кенгайтириш имкониятига эга. Бироқ туманнинг ҳар томонлама ўраб олган вилоят туманлари, Қўқон шаҳри ва жанубида Сўх дарёсидаги Сариқўрғон гидроузели билан чегараланганлиги, яйлов, шоли ва ўрмонзорларнинг мавжуд эмаслиги сабабли туман аҳолисининг янада кенг майдонга чиқиш ва кенгайтиришга имкони йўқ. Туманнинг жанубидаги Ўзбекистон ва Риштон туманлари ўртасидаги бўш тошлоқ ер майдонларида Қўқон махсус иқтисодий зонаси жойлашган жойда янги кичик саноат зонаси ташкил этилган.

Туманнинг умумий ер майдони 280 минг квадрат километр, аҳолиси 231 минг 600 нафар киши, шундан эркаклар 115,2 минг ва аёллар 116,4 минг киши, туманда аёллар сони эркакларга нисбатан кўпроқ эканлигини кузатамиз.

Бир квадрат километрга зичлиги 842,2 киши тўғри келади ёки Фарғона вилояти кўрсаткичига (565,2)га нисбатан 64 фоиз кўпдир. 2020 йил давомида 4941 кишига ёки 101,9 фоизга кўпайди. Туманда аҳолининг тиббий ҳаракати, яъни ҳар 1000 аҳолига нисбатан тиббий ўртача ўсиш 2020 йил 1 январдаги 21,5 кишидан, 2021 йил январ ҳолатида 25,9 кишига ўсиши ташкил этди. Бу вилоят кўрсаткичига 24,6 нисбатан кўпдир. Тумандан кўчиб кетганлар 2019 йилда 729 киши, 2020 йилда 775 кишини, кўчиб келганлар сони 2019 йилда 347 дан 2020 йилда 116 кишини ташкил этди.

Туман аҳолисининг 32 фоиздан зиёди 17-30 ёшгачани ташкил этади. Уларнинг ҳам иш билан бандлиги ва ўқиш, ҳунар ўрганишга йўналтириш стратегик мақсадида мамлакатимизда ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги ҳисобга олинса, бу жараён мавжуд меҳнат ресурсларининг малакаси, тажрибасига боғлиқдир. Учкўприк туманида иш билан таъминланганларнинг сони жуда кам маҳаллабай ва оилабай кузатиш билан аниқланган маълумотларга кўра ишга лаёқатли аҳолининг 13 фоизи ишсиз хотин-қизларни ва ёшларни ташкил этади. Улар “Темур дафтарга”, “Аёллар дафтарига” ва “Ёшлар дафтарига” киритилганлардир. Олий даргоҳда ўқимайдиган ёшларни меҳнат бозорида катта талабга эга касбларга ўқитиш зарур. Мана шу масалани ечиш учун туманда инновацион ривожланиш вазирлиги ва вилоятда ташкил этилган ёшлар технопаркларида ҳамда туманнинг ўзида ҳам технопаркда роботехника, компьютер саводхонлиги, зарурий дастурлаш, прототиплаш ва умумий дастурлаш бўйича ўқув курслари ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мазкур курсларда муваффақиятли таълим олган иқтидорли ёшлар келгусида фаолият юритадиган мутахассислар бўлиб етишади. Туманни техникавий-технологик қуролланган ва Қўқонмахсус иқтисодий зонага яқинлигини ҳисобга олиб инновацион ҳудудга айлантиришда чегарадош Бағдод ва Бувайда туманлари билан ҳамкорликда маҳаллий бюджет харажатларидан бири фоиздан инновацион фаолиятга йўналтирилади. Ушбу маблағ ҳисобидан ҳудудда инновацион фаолиятни самарали ташкил қилиш учун туман ҳокимлари ўринбосарлари лавозимлари ҳам ташкил этилади. Умуман олганда, илм-фан, бизнес ва саноат ҳамда хизмат кўрсатиш, айниқса, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг ўзаро уйғунлашуви натижасида Учкўприк

ИҚТИСОДИЁТ

туманлараро инновацион ҳудудда ғоялар тайёр тижорий махсулотга айланади. Бу ўз навбатида, туман атрофидаги ҳудудларнинг ҳам инновацион ривожланишига ҳамда туманнинг ўз ҳудудидаги саноат тармоқларини кичик бизнес субъектлари хизмат кўрсатишни тараққий этиб боришига самарали хизмат қилади.

Бугунги пайтда Учкўприк туманида қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, аҳолининг кундалик чорвачилик махсулотларига бўлган ўсиб боровчи эҳтиёжини қондиришга давлатимиз алоҳида эътибор қаратяпти. Туманда бу борада 2020 йил ҳолатига кўра, йирик шохли қорамоллар 100,6 фоизга кўпайиб, 66166 бошни, шундан сигирлар 109,2 фоиз (25859 бош) қўй ва эчкилар 101,5 фоизни (57844 бош), парандалар 669729 бошни (110,2 фоизни) ташкил этди. 2020 йилда туманда жами 1934,0 тонна (2019 йилга нисбатан 105,3 фоизга кўп), 12740 тонна сут, 4554,0 минг дона тухум ишлаб чиқарилди. Бу махсулотларга фақат тумандагина эмас балки вилоятда ҳам талаб ўсиб бормоқда. Туманда чорва озукаси таннархи юқорилиги боис, айнан мана шу соҳага илм-фан ва технологиялар натижаларини жорий этиш зарурияти катта. Бунинг учун омихта-ем ва ем қўшимчаларини ишлаб чиқиш орқали озукка захирасини тайёрлашга эришиш мумкун. Республика инновацион ривожланиш вазирлигининг молиявий кўмаги асосида “New Ecological Feed” МЧЖ корхонаси ўсимликларини сунъий қуритиш технологиясини Учкўприк туманида жорий этиш таклифини билдиради. Ушбу лойиҳа беда, маккажўхори, африка қўноғи, сорго каби йигирма хил озуккабоп ўсимликларни сунъий қуритиш йўли билан қайта ишлов беришга қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш қуввати йилига 835 тоннани ташкил қилади. Яшил маскани қуритиш жараёнида ўсимликлар таркибидаги 70 фоиз фойдали моддалар йўқотилиши кузатилади ва натижада озукка сифати пасаяди. Мазкур инновацион технология ёрдамида сунъий усулда қуритилганида ўсимликлар таркибидаги барча фойдали моддалар сақланиб қолади. Лойиҳани амалга ошириш орқали туманда 10-12 иш ўринлари очилиб, бир гектар ердан 25-30 тоннагача тайёр махсулот олиш амалда қўлланилган.

Туманда чорвачилик ва парандачиликнинг илмий-тадқиқот институти кўмагида ярим майин жунли қўйларнинг уруғидан фойдаланиб, маҳаллий жайдари

қўйларни сунъий уруғлантириш орқали зотдор қўйлар сонини икки баробарга етказиш имконияти мавжуд. Унинг натижасида йилига қўйлар жунини олиш ва улардан гилам тўқиш, жунли уст-бошлар ва жунли пайпоқлар тайёрлаш мумкин. Ҳозирги даврда Россияда етиштирилган меринос зотли, сержун, сергўшт, майин юнгли майда шохли чорва молларини (қўй-эчкиларни) олиб келтириш лозим. Шунингдек, туманда жунли бирламчи қайта ишлов берувчи минитехнологиялардан фойдаланган ҳолда қўшилган қийматли даромадга эга бўлиш мумкин.

Чорвачиликни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида ҳар бир ҳудуд ўз имкониятидан фойдаланиб, ўз чорва махсулотларини ишлаб чиқариш, инсон ҳаётида, истеъмол қилинадиган, масалан, гўшт махсулотининг йиллик меъёри бир кишига ўртача 40 килограммни тайёрлаш учун, аввало, чорвалар бошини, сўнг чорва озукка базасининг ҳажмини, рационда витаминли моддаларга бой бўлган озукка бирлигини кўпайтириш жуда муҳим. Бундай чоратадбирлар, аввало, гўштнинг таннархи ва сифатини белгиловчи муҳим омиллардан биридир. Бундай мақсадга эришиш учун Андижон вилоятида ташкил этилган Марҳамат инновацион полигони анъанавий усулда тайёрланадиганига нисбатан озуккавийлик миқдори саккиз, хажми уч марта юқори бўлган силос тайёрлаш тажрибасидан фойдаланиш айна мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун маккажўхори, амарат ва игнабарг ўсимликлари аралаштириб экилади. Ҳосил етилгач майдаланиб, 60 килограмдан зичлаб плёнкаларга ўралади. Бундай лойиҳа ғоясини амалга ошириш учун анъанавий усулда силос етиштирадиган фермер хўжалиқларига ушбу технологияни киритиш ва қиймати 40 млн. сўм бўлган махсус мослама ҳарид қилиш лозим. Туман иқтисодиётини жадаллаштиришда замонавий технологияга асосланган йирик саноат корхонаси фаолият юритмайди. Аммо, ҳозирги даврда бутун дунёда авж олиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан кенг фойдаланиш лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз ва минтақаларимиз ҳудудларида ва туман ҳудудида бозорни товар ва хизматлар билан узлуксиз таъминлашда, аҳоли бандлиги ва реал даромадларни оширишда, мавжуд ресурсларни оқилона тақсимлаш ҳамда улардан жойларда самарали ва тежамли фойдаланишда, иқтисодиётни турли тармоқлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни

мувозанатли яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлган иқтисодий-ижтимоий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий катализатори ҳисобланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бозор конъюнктураси ўзгаришларига ҳам, истеъмолчилар талаби тез ўзгаришларига ҳам тезроқ мослашишга қодир бўлиб, истеъмол бозоридаги мувозанатни мутаносиб равишда ушлаб туришда муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, рақобат-муҳитининг шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Ривожланган ва ривожланаётган хорижий мамлакатлар тажрибасининг кўрсатишича, кичик саноат корхоналари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутаяди. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида ишлаб чиқарилган саноат маҳсулоти ҳажмини вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларининг кўрсаткичлари билан таққослаш ва қиёсий таҳлил этиш, саноат маҳсулотларини аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори динамикасини кузатиб бориш ва мониторинг қилиш, ҳудудлардаги устувор вазибаларни ва ўсиш нуқталарини белгилаш муҳим илмий аҳамият касб этади. Ўз навбатида, ўтган 2020 йилнинг январь-декабрь ойларида Учкўприк туманида кичик саноат корхоналари маҳсулотини ишлаб чиқариш 1891,0 млрд сўмни ташкил этганини, ушбу кўрсаткич Фарғона вилоятининг жами саноат корхоналари маҳсулотини ишлаб чиқарилишидаги умумий 8,8 фоизни ташкил қилганини кўрамиз. Масалан, Фарғона вилоятидаги 19 та шаҳар ва туманлардаги вилоятнинг жами саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмидаги улушига 7 та туманлар улуши 0,1 дан 2,0 гача; 7 та туман 2,1 дан 5,0 гача, 1 та туман улуши 5,1 дан 8,0 гача, 1 та туман улуши 8,1 дан 10,0 гача; 3 та шаҳар улуши 10,1 дан 30 гачани ташкил этади. Улардан Учкўприк туманининг вилоят саноат маҳсуоти ишлаб чиқаришдаги улуши 8,8 фоизни ташкил этади ёки 1 триллион 891 млрд сўмни ташкил этган бўлса, Тошлоқ тумани 2

триллион 280,3 млрд сўм, энг кўп ҳисса кўшган Фарғона шаҳари (29,1) ёки 6 триллион 295,3 млрд, Қўқон шаҳри (15,1) 3 триллион 262,6 млрд, Марғилон шаҳри (4,1) 890,1 млрд, Қувасой шаҳри (5,9) 1 триллион 266,5 млрд сўм улуш кўшгандир.

Юқорида вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришга ўз хиссасини кўшган туманларда кичик бизнес корхоналари хиссасига тўғри келса, Тошлоқ туманида Жанубий-Корея “ТЕСТИЛЬМАШ” кўшма корхонаси, Учкўприк туманида эса Қўқон маҳсус иқтисодий зона корхоналари хиссаси киради. Қолган шаҳарларнинг кичик бизнес ва йирик саноат корхоналарининг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариши хиссаси (улуши) салмоқли ўрин эгалламайди.

Шу жойда маълумот учун эслатиб ўтмоқчимизки, жаҳон амалиётида саноат соҳасида тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида бошқарувнинг мажмуавий механизмини шакллантириш, давлат ҳамда тадбиркорлик субъектларининг хусусий шериклик асосида ўзаро муносабатларини самарали ташкил этилган механизмнинг концептуал асослари яратилганини, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тадбиркорлик фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини тармоқлараро рақобатбардошлигини ошириш стратегиясига асосланган замонавий менежмент тамойиллари асосида такомиллаштириш каби самарали усуллардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий усул методологияси асосида Учкўприк туманида ёндашилмагани сезилиб турибди.

Хулоса қилиб айтганда туман иқтисодиётини инновацион ривожлантиришда ҳудудий методик, молиявий, меҳнат ва табиий ресурслардан мажмуавий оқилона фойдаланиб, ҳудудларни янада тараққий эттириш лозим.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисига йўналтиришга 2020 йил 29 декабрдаги Президентимизнинг муурожаатномаси. // Халқ сўзи, 2020.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Ёшлари форумида сўзлаган нутқи Халқ сўзи.- 2020 йил 26 декабрь.
5. Қўқонни ривожлантиришнинг “таянч нуқта”сини топиш зурур //Фарғона хақиқати. -2020 йил 2 сентябрь; 2021 йил 26 январь сонлари.